

Ҳозирги ғоят мураккаб ва таҳликали замонда тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашдек ўткир талаблар юртимизда яшаётган ҳар бир мўмин-мусулмон, ҳар бир инсон учун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2022-yil
14-iyul
payshanba
№ 27 (1299)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2022 ЙИЛ 2 ИЮЛДАГИ “ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПФ-164-СОН ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-164-сон Фармонининг 2-бандидаги “соат 21:00 дан соат 07:00 га қадар” сўзлари “соат 23:00 дан соат 05:00 га қадар” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур Фармон имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва оммавий ахборот воситаларида дарҳол эълон қилиниши шарт.

3. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига тасдиқлаш учун юборилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 13 июль

“МЕНИНГ КОНСТИТУЦИЯМ”: ТАКЛИФ ВА МУШОҲАДАЛАР



ҚАЧОНКИ ИНСОН ҚАДРИ УСТУВОР...

Халқимизга хос эзгу анъанага кўра, ҳар қандай катта ишни бошлашдан олдин кўпчилик билан маслаҳат қилинади. Маслаҳатлашув жараёнида жўяли таклифлар билдирилади. Қизгин муҳокамалардан сўнг кўпчиликнинг ризолиги билан якуний қарорга келинади. Бош қомусимизга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш борасида ҳам айнан шундай йўл тутилмоқда.

Амалдаги Конституция мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг сиёсий қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, давлат ва фуқаронинг, жамият тузилмаларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари аниқ масалаларни қамраб олди, барча

соҳада эришилган ютуқларимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб келди. Лекин вақт деганлари югурди. Замон шиддат билан ўзгариб бораёпти. Буни ҳам ҳисобга олишимиз шарт, албатта. Асосий қонуни-мизни амалга ошириладиган ислохотларга, жамиятдаги реал воқеликка, юрдошларимизнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришларга, ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Бу борада дунё таърибасига эътибор қаратсак, сўнгги 30 йилликда 90 га яқин давлатда конституциявий ислохотлар амалга оширилиб, улардан 53 тасида янги конституциялар қабул қилинган.

3-6

ҚАЛЬ САДОСИ

Фаровон ҳаётимиз пойдевори ТИНЧЛИКДИР

Қорақалпоқ эли ўзбек халқи сингари ўз тарихида кўп синовларни бошидан ўтказган. Уларнинг барчасини сабр-тоқат, ўз қадриятлари садоқат, бағрикенглик билан енгиб ўтган. Аммо дунёнинг тури минтақаларида ўзаро шафқатсиз рақобат, миллатлар ва динлараро зиддиятлар, сепаратизм, миллатчилик, радикализм каби таҳдидлар тобора кучайиб бораётган бугунги кунда ҳар бир воқеа-ҳодисага янада хушёрлик билан қараш талаб этилади.

Шу жиҳатдан шу йилнинг 1-2 июль кунлари Нукусда бўлиб ўтган тартиббузарликлар бир томондан халқимизни саросимага солган бўлса, иккинчи томондан огоҳликка, тинчлик деган буюк нъматнинг қадрига етишга чақирди. Гувоҳи бўлдики, бир-икки кунлик вайронгарчилик, нотинчлик йиллар давомидаги ҳалол меҳнатни йўққа чиқаришга қодир. Хайриятки, Президентимизнинг қалтис вазиятда Қорақалпоғистонга дарҳол етиб келгани ва тегишли чораларни кўргани тинч ва осойишта ҳаётга қайтишимизга асос бўлди.

Йиллар давомидаги ҳалол меҳнат... Айниқса, кейинги 5-6 йил давомида Президентимиз раҳбарлигида Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун олиб борилган ислохотлар, маданий ва инновацион жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш мақсадидаги кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари, ўнлаб янги заводлар, замонавий агрокластерлар, қўшма корхоналар ишга туширилгани, кўллаб болалар боғчалари, мактаблар, олийгоҳлар, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт масканлари барпо этилгани... буларнинг барчаси нафақат юртимиз қиёфасини балки, одамларнинг турмуш тарзини ҳам бутунлай ўзгартирди.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб Орол бўйида экологик вазиятни юмшатиш, чўлга чидамли ўсимликларни экиш, кўкаламзорлаштириш орқали фауна ва флорани яхшилаш масаласига эътибор қаратди. Қисқа вақт ичида денгизнинг қуриган қисмида 1 миллион 733 минг гектар майдонда яшил худудлар барпо этилди. Орол минтақасини ривожлантириш масаласи биринчи марта давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Юқсак халқаро минбарларда Орол муаммоси кўтарилди. Мўнқоқ бутунлай янги қиёфа касб этди. Ҳаттоки, сайёҳларни чорлайдиган даражада дунё назарига тушди.

2-6

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

МУҲИМ ҚАРОР МОҲИЯТИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти ва ахамияти” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Уюшма қошидаги ижодий кенгашлар масъуллари, босма нашрлар бош муҳаррирлари, журналист кадрлар етиштирувчи олий таълим муассасалари ўқитувчи-профессорлари, талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



2-6

ТАЛҚИН

Бадиий ижод эркинлиги

умрбоқий асарлар кўпайишига хизмат қилади

Ўзбек халқининг буюк ёзувчиси Абдулҳамид Чўлпон “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 4 июнь санасидаги сониде “Адабиёт надур?” сарлавҳали мақоласида “Адабиёт яшаса — миллат яшайди” деб бежиз ёзмаган.

Зотан, айнан адабиёт инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, кўйинки миллатнинг, халқимизнинг оруз-интилишлари,

Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакрор сўзлар орқали ифода этувчи, инсониятни эзгуликка, ёруғликка ундовчи муҳим бир кучдир.

Адабиёт, умуман бадиий ижод инсон, халқнинг эстетик савиясини юксалтиради, маънавий талаб-эҳтиёжларини қаноатлантиришга беминнат хизмат қилади.

Бугунги кунда умумхалқ муҳокамасига

кўйилган Конституциявий қонун лойиҳасида амалдаги Конституциянинг “Ҳар кимга илмий, техникавий ва ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади” дея қайд этилган 42-моддасига “бадиий” сўзи қўшимча сифатида киритиш назарда тутилган.

3-6

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

МЕНИНГ ВА... СИЗНИНГ ДАРДИНГИЗ

(Миллий журналистикамиз муаммолари)

Бундан 44 йил муқаддам каминга ўша пайтда мамлакатда ягона бўлган журналистика факультети талабаси бўлиш nasib этди.

Ушанда журналистика факультетларига кирувчиларга оғзаки ва ёзма танловдан ўтказиш тизими жорий этилган эди. Биз ҳам ана шу танловда иштирок этдик. Охири, танлов ҳамда кириш имтиҳонларидан сўнг, 45 нафар йигит-қиз талабалик бахтига мушарраф бўлди, улар орасида мен ҳам.

Ўзимча тасаввур қилганларим — журналистика факультети соҳа мутахассисларини тайёрловчи ягона маскан, демак, бу ерда танлаган касбингизни тўлиқ эгаллаш учун барча шароитлар бўлиши керак, деган хаёлда эдим. Афсус, биринчидан, бу ерда “ёзиш”ни ўргатишмас экан! Ким қандай тасаввурга эга бўлса, хаёлида “ижод” қилверари. Ўзинг учун ўл, етим деганларидек. Бошимиздан ана шундай талабалик синовлари ўтди. Курсдошларим орасида саккиз қатор жум-

лани эплаб қозоғга тушира олмайди деганларим ҳам, мураккаб жанрларда қозони қоралайдиган истеъдодлилар ҳам бор эди. Бироқ улар орасида биринчи тоифага мансублар кўпчилик эди.

Анъанага биноан ҳар йили бир вилоятда курсдошлар учрашувини ўтказамиз. Очиги, шу давр мобайнида танлаган касбига садоқат билан, журналистнинг даромадсиз ишига кўникиб яшаётган ва ижод йўлида дадил қадам ташлаётганлар саноклигина қолибди. Тўғри,

турли ижодий танловларда қатнашиб, мукофотларга эга бўлганлар ҳам йўқ эмас. Шундайлар ҳам борки, соҳада бир соат ҳам ишламаган, лоақал ягона бўлса-да, оддий хабари ҳам бирор газета ё журнал юзини кўрмаган. Ҳар сафар учрашганимизда ким журналистика фидойиси сифатида ҳалигача ишлаётгани, кимлардир эса соҳанинг остонасини ҳам ҳатлаб ўтмагани ўз-ўзидан муҳокамага айланади.

Уқувсиз, кўлидан иш келмайдиган ходимлар бугун истаган тахририятда топилади. Нега, уларни “сақлаб” келяпмиз? Саводи ҳаминқадар, жанр талабларини тушунмайдиган, бир қолипга мослашиб кетган ҳамкасбларимиз ҳам борки, бундан кимга фойда, деган савол туғилади.

4-6

ТАЪЛИМ

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

Андижон давлат университети дунёнинг энг яхши 1000 талик таълим муассасалари қаторидан жой олиш учун интилмоқда

Хозирги кунда дунё ҳамжамиятида бўлаётган глобал ўзгаришлар натижаси ўлароқ сайёрамизда яшовчи инсонлар кўпга синовларга дуч келмоқда. Дунёнинг баъзи бир минтақасида иқлим ўзгариши натижасида сувсизлик ва қурғоқчилик бўлиб, ушбу минтақада яшовчи инсонлар очарчиликдан азобланаётган бўлса, баъзи минтақаларда эса уруш ва ниёқлар натижасида миллионлаб инсонлар бошпанасиз муҳожириликка сарсон-саргардон бўлиб кун кечиршига мажбур бўлмоқда. Шундай таҳликали бир даврда тинчлик-осойишталик ҳукм суриб, фан-таълим, маданият ривожланиб тараққий этиб бораётган юртлар ҳам бор, албатта. Бинобарин, мамлакатимизда илм-фан, таълим ва тарбия, маданият ва маърифатга асосий эътибор қаратилиб, дунёнинг тараққий этган давлатлари сафидан жой олишимизда кўплаб самарали ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.



(h-индекс) 5 ва ундан юқори бўлган натижага эришди.

Таълим уюшмида 2021-2022 ўқув йилида таҳсил олаётган докторантлар сони 194 нафарни ташкил этади. Улардан 183 нафари таянч докторантлар (PhD), 7 таси мақсадли докторантура (PhD) да тақсил олаётган бўлса, 11 нафар докторантларимиз (DSc) да таҳсил олмақда. Шунингдек, 17 нафар мустақил изланувчилар ҳам ўз илмий тадқиқот ишларини амалга ошириб келмоқда.

Умуман олганда таълим даргоҳимизда илм-фан ривожини ҳамда салоҳиятини мутахассис кадрларни тайёрлаш борасида кўплаб амалий изланишлар қилинмоқда. Албатта, амалга оширилаётган ишлар Президентимиз олдимизга қўйган талаблар даражасида эмас. Чунки 2030 йилгача Андижон давлат университети ҳам халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўринидаги олий таълим муассасалари рўйхатидан жой олишига эришиш, шунингдек, 2022-2023 ўқув йилида университетда ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш асосий мақсад қилинмоқда.



Бундан ташқари, университетда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига технологиялар, фойсаби, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилуви ва прогнозлаштируви илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқишга эришишимиз даркор.

Бу борада университет профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг нуфузли халқаро илмий журналларда мақолаларни чоп этишдаги фаоллигини янада ошириш, чоп этилган мақолаларга иқтисодик кўрсаткичларини яхшилаш, шунингдек, университетимиздаги "Илмий хабарнома", "Водийнома" сингари илмий журналлар ўқувчилар сафини кўпайтириш билан бир қаторда, уларнинг халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш чораларини кўриш борасида изланишлар олиб боришимиз зарур.

Университетнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш орқали, талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга тадбиқ этиш ҳам энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

Умуман олганда университетни 2030 йилгача комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари режаси асосида унинг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини яхшилашда, халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш орқали техник имкониятларини ошириш, молиявий барқарорлигини ривожлантириш, шу асосда таълим-тарбия имкониятларини кенгайтириш йўлида сайё-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Барқарорлиқни таъминлашга эришишда эса университетимиз ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги талаб этилади.

2030 йилгача аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш борасида ҳам бир талай амалий ишлар амалга оширилиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020-2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги 2020 йил 12 июндаги қарори ҳамда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли соғиматлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги 2021 йил 3 февралдаги Фармонига мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган хотин-қизлар учун давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилганлиги, шунингдек, эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар учун олий таълимга ажратилган давлат грантлари сонини икки бараварга ошириш белгиланган. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома беришда "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган оилаларнинг қиз фарзандлари ҳамда "Ёшлар дафтари"га киритилган хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратиши кўзда тутилган. Шу боисдан, ўтган йили Андижон давлат университетининг қатор таълим йўналишларига имтиёзли қабул амалга оширилди.

Кундузи таълим буйича йўналишларга 37 нафар хотин-қизлар имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди.

Университетда илм-фан, таълим-тарбия, маънавий-маърифий соҳаларда кенг кўламли янгиланишлар амалга оширилиб, ушбу амалга оширилаётган ишлар негизда эса Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ётади. Ушбу концепцияда белгилаб берилган мақсадларга эришиш учун университетнинг илмий педагогик, ҳамда техникавий имкониятларини босқичма-босқич ошириб бориш талаб этилади. Ишончимиз комил, мамлакатимиз тараққийнинг асоси бўлган ёш авлоднинг юртимиз равақини учун хизмат қиладиган замонавий мутахассислар қилиб тарбиялашда дорилфундунизмнинг профессор-ўқитувчилари ва жамоаси ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшиб боради.

Акрамжон Ю.ДОШЕВ,
Андижон давлат университети ректори,
биология фанлари доктори, профессор.

ХОРИЖДА

GERMANIYA QACHON ROSSIYA NEFTI VA KUMIRIDAN VOZ KECISHINI MA'LUM QILDI

Германия жорий йилнинг 1 августидан Россия кўмирини, 31 декабрдан эса нефтини сотиб олишни тўхтатади. Бу ҳақда Германия Молия вазирлиги ўринбосари Йорг Кукус Сиднейдаги анжуманда маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, Германия Россиядан шу пайтгача мамлакат истеъмоли учун зарур бўлган кўмирнинг 40 фоизини ва нефтнинг ҳам 40 фоизини сотиб олган.

– Шарқий Европада собиқ Совет Иттифоқининг курили бўлган "Дружба-2" қувурининг тарихидан хабардор ҳар бир киши биладики, бу қарамликдан ҳалос бўлиш арзимас иш эмас, биз бунга бир неча ой ичида эришамиз, – деган Молия вазирлиги ўринбосари.

Кўмининг қўшимча қилишича, ҳозир Германия Россиянинг ўрнига етказиб бериш учун муқобил манбаа қидирмоқда. Бундай муқобил манбаа АҚШ ва Қатар бўлиши мумкин. Германия суיותилрилган газ учун терминаллар қурмоқда. Шунга қарамай, энергия таъминотида ҳали ҳам катта бўшлиқ мавжуд.

Айтиш жоизки, Россиядан кўмир импортини тақиқлаш Европа Иттифоқи санкцияларининг бешинчи пакетига киритилган, нефтга қисман эмбарго эса олтинчи пакетга доир чора ҳисобланади.

"Bloomberg" нашрига кўра, йил бошидан бери Россиянинг нефть даромадлари 50 фоизга ўсган. Шу муносабат билан G7 мамлакатлари раҳбарлари Россия нефтига минимал нархларни жорий этиш масаласини кўриб чиқмоқда. Бунда нефть нархи бир баррель учун 40-60 доллар миқдорда белгиланиши мумкин (Россия нефти бир баррель учун ўртача 80-85 доллардан сотилади).



ISHIDNING SUURIYADAGI ETAKCHISI ULDIRILDI

ИШИД террорчилик ташкилотининг беш нафар етакчилари қаторига кирувчи Суриядаги етакчиси АҚШ ҳаво зарбаси оқибатида йўқ қилинди. Бу ҳақда "Reuters" Америка ҳарбийларига таяниб, хабар берди.

АҚШ Марказий қўмондонлиги баёнотида айтилишича, Моҳир ал-Агал Сурия шимоли-ғарбида дрон ҳужуми натижасида ўлдирилган, унинг шериги эса оғир жароҳатланган.

– Бу операция муваффақиятли ўтиши учун синчковлик билан коржалаштирилган. Дастлабки таҳлил тинч аҳоли орасида қурбонлар йўқлигини кўрсатмоқда – дейилади баёнотда.

Қайд этилишича, ал-Агал ИШИДнинг Ироқ ва Суриядан ташқаридаги тармоқларини ривожлантиришга масъул бўлган.



EI QOZOG'ISTONGA KUMAKLASH-MOQCHI

Европа Иттифоқи расмийлари Қозоғистонга республикадан ноқонуний олиб чиқиб кетилган активларни қайтаришда ёрдам беришга тайёр.

Бу ҳақда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Тери Хакала Қозоғистон коррупцияга қарши кураш агентлиги раиси Олжас Бектенов билан учрашувда маълум қилган.

– Биз Қозоғистондан Европага олиб чиқиб кетилган активларни қайтариш буйича сўровларни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз, – деди Хакала.

Бундан ташқари, томонлар Қозоғистонда январь ойида юз берган тартибсизликлар билан боғлиқ қийноқлар ҳақидаги даъво ишларини тергов қилишни ҳам муҳокама қилган.

– Айтиш мумкин 171 та тергов иши якунланди, – дейди Бектенов. — 177 та иш буйича тергов ҳали давом этмоқда. Шунингдек, Истанбул протоколнинг барча талабларига риоя қилинмоқда.



MAMLAKATNI QOPLAGAN SUB TOShQINI

Афғонистонда юз берган суе тошқини камида 63 фуқаронинг ҳаётига зомин бўлди, 80 дан зиёд киши жабрланди. Бу ҳақда "ТАСС" хабар бермоқда.

Тошқин Афғонистоннинг ўн икки вилоятига таъсир кўрсатган. Қолаверса, мазкур табиий офат туфайли 12 мингдан кўп уй вайрон бўлган.

Мамлакат қишлоқ ҳўжалигига ҳам катта зиён етди. Хусусан, 5 минг гектар яқин ер зарар кўриб, 2 минг бош чорва моли нобуд бўлган.



BMT KUN TARTIBIDA BUFDoy MUAMMOSI

БМТ Украина ва Россия бугўйини ҳамда Россиянинг ўғит маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариш муаммосини ҳал қилиш устида ишляпти, деб баёнот берган ташкилот бош қотиби Антониу Гутерриш.

Бундан аввалроқ Туркия мудофаа вазирлиги Хулуси Акар Қоранденгиз портлари орқали бугўйини етказиб бериш буйича маълум бир ишлар қилинди, фақат Россия, Украина ва БМТ биргаликда муҳокама қилинадиган айрим техник жиҳатлар қолмоқда, деган эди.

Туркия ташқи ишлар вазирлиги Мавлуд Човушўғлининг таъкидлашича, агар Москва ва Украина "буғдой муаммоси" буйича келишувга эришса Украина сувликларидан ташқарида "хавфсиз ҳудуд" яратилади. – Биз ушбу масалада қаттиқ ишляпмиз, бироқ бунинг учун босиб ўтилади-ган йўл ҳали бор, – деган Гутерриш.



Интернет маълумотлари асосида Камолиддин ДАВРОНБЕКОВ тайёрлади.

Республика Маънавият ва маърифат маркази жамоаси Марказнинг Бухоро вилояти бўлими раҳбари Марҳабат Пардаевага онаси Мўҳиба Фатуллаева ва қизи Орифа Норованинг бевақъ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.



“Ўзтемирйўловчи”дан йўл чипталарини онлайн харид қилинг!

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, “Ўзтемирйўловчи” АЖ томонидан юртдошларимизга қулайлик яратиш мақсадида замон талабларидан келиб чиққан ҳолда йўл чипталарини онлайн харид қилиш йўлга қўйилган. Бу эса кўпчилик учун жуда қўл келмоқда. Сабаби темир йўл бекатига келиб чипта олишга имкони бўлмаган юртдошларимиз қисқа вақт ичида навбат кутишларисиз ва ортиқча овозгарчиликларсиз осонгина борадиган манзилларига чиптани қўлга киритмоқда. Бу тизим қисқа вақтда оммалашиб кетган бўлса-да ҳамон электрон чипта харид қилишдан беҳабар юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Шу боис ватандошларимизга янада ёнгиллик бўлиши учун куйида электрон чиптани қандай харид қилиш мумкинлиги тўғрисидаги йўриқнома билан таништирамиз:

ЭЛЕКТРОН ЧИПТАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШНИНГ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ КЎРСАТМАЛАРИ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ



Аслида ҳам чиптани электрон тарзда сотиб олиш жуда оддий:

1. Маршрутни ва санани танланг;
2. Сизга мос келадиغان поездни топинг;
3. Йўловчилар сонини танланг;
4. Шахсий маълумотларни киритинг;
5. Тўлов усулини танланг;
6. Буюртмани тасдиқланг, чипталар сизга почта орқали келади.

“ҚАЕРДАН” дарчасида сиз кетаётган станциянгиз номи киритилади ва пайдо бўлган станциялар рўйхатидан тегишлиси танланади. Масалан, “ҚАЕРДАН” дарчасига “ТОШКЕНТ” станциясининг номи киритилади, “ҚАЕРГА” дарчасига сиз бораётган станциянгиз номи киритилади, масалан, “САМАРҚАНД”, “Қаердан” ва “Қаерга” пунктларини танлаётганда, чиқиш ва бориш жойларининг дастлабки учта ҳарфини ёзганингизда, тизим шаҳар номлари учун тайёр вариантларни тақдим этади.


“ҚАЧОН” дарчасида чиқиш санаси танланади ва “ТОПИШ” тугмаси босилади.

“Қачон” тақвими очилади ва ушбу тақвимда фақат чипта сотиб олиш муддати кўрсатилади. Бу ерда бир йўналишда ёки бориш ва қайтиш йўналишини танлашингиз мумкин. Шундан сўнг ушбу саналарни тақвимда танлашингиз керак бўлади.


Белгиланган санада поездлар бўлмаса, мавжуд поездлар жадвали билан ҳам танишингиз мумкин бўлади.

1-ҚАДАМ — ПОЕЗДНИ ТАНЛАШ

Мавжуд поездлар рўйхатидан сизга керак бўлган поездни ва керакли вагонлар синфини танлайсиз ва экраннинг пастки қисмидаги “ВАГОН ВА ЖОЙНИ ТАНЛАШ” тугмасини босасиз. Фойдаланувчиларга қўлай бўлиши учун, танланган санадаги барча поездларнинг мавжуд жойлари ва чипталарнинг нархлари кўрсатилган.



Агар танланган санада чипта йўқлиги аниқланса, у ҳолда сиз бир ҳафтадаги бошқа жўнаб кетиш санасини осонгина танлашингиз мумкин.




Диққат! Кейинги босқичга ўтиш учун сиз ўзингизнинг исмингиз, фамилиянгиз ва электрон почта манзилингизни кўрсатган ҳолда ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтишингиз керак бўлади.

2-ҚАДАМ — ВАГОН ВА ЖОЙ ТАНЛАШ

Кейин вагон схемасидан жой танланади (ёруғ ранг - бўш, тўқ ранг - сотилган, танланган жой - яшил). Шунингдек, қулайлик яратиш мақсадида қўшимча хизматлар кўрсатилади: қўшимча овқат ва чойшаблар.

Жой танлагандан сўнг, фойдаланувчи шахсий паспорт маълумотларини тўлдирди ва барча керакли маълумотларни тегишли дарчаларга киритади. Агар керак бўлса, сиз “болани қўйиш” тугмасини танлашингиз мумкин. Электрон йўл ҳужжатлари 10 ёшгача бўлган катта ёшли болаларни алоҳида ўриндиқ билан, шунингдек, 5 ёшгача бўлган болаларни бепул асосда ва алоҳида жойни эгалламасдан олиб юриш учун берилади.

Бундан ташқари, агар керак бўлса, сиз яна 3 йўловчига жой танлашингиз ва барча керакли маълумотларни киритишингиз мумкин.



Шундан сўнг сиз “БУЮРТМАНИ ТАСДИҚЛАШ” тугмасини босишингиз лозим.


Диққат! Йўловчининг шахсий маълумотлари шахсни тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган маълумотларга мос келиши керак. Агар сиз паспорт талаб қилинадиган мамлакатга электрон чиптани тақдим қилсангиз, у ҳолда чипталар фақат у учун берилади (масалан, Тошкент-Рибачье). Агар сиз Ўзбекистондан ташқарида болалар билан чиптани расмийлаштираётган бўлсангиз, белгиланган тартибда болалар паспортига эга бўлган болага чипта бериш керак. Агар сиз Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлсангиз, унда йўловчи саёҳат қилмоқчи бўлган паспорт учун электрон чипта ҳам берилади. Агар ҳужжатдаги шахсий маълумотлар икки шрифтда (кирилл ва лотин) кўрсатилган бўлса, унда тартибдаги маълумотлар лотин тилида тўлдирилади. Агар ҳужжатдаги шахсий маълумотлар фақат рус тилида кўрсатилган бўлса, унда буйруқдаги маълумотлар кирилл алифбосида тўлдирилади.



Агар йўловчиларнинг шахсий маълумотларида ёки уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тафсилотларида хатolik аниқланса, сиз буюртмани тўлашдан олдин тузатиш киритишингиз керак.

3-ҚАДАМ — БУЮРТМАНИ ТАСДИҚЛАШ

Ушбу босқичда йўловчи барча киритилган маълумотларни текшириши керак. Агар киритилган маълумот тўғри бўлса, экраннинг пастки қисмида “Электрон чипталарни сотиб олиш шартларини қабул қилганимни тасдиқлайман” ёзуви олдида “тасдиқ белгиси”ни қўйиш ва “КАРТА КЎРСАТИШ ВА ТЎЛАШ” тугмасини босиш керак.




Диққат! 3 ва 4-босқичларни босиб ўтишга 10 дақиқа вақт берилади. Агар йўловчи бу вақт давомида тўловни амалга оширмаса, буюртма бекор қилинади.

4-ҚАДАМ — ТЎЛОВ


Кейин “Карта рақами”, “Картанинг амал қилиш муддати” қаторлари тўлдирилади ва “ДАВОМ ЭТИШ” тугмаси босилади.




Тўлов учун Миллий тўлов тизимлари карталари, шунингдек, Visa/Master/Mir /Google Pay/ Apple Pay / Union Pay қабул қилинади. Электрон чиптани тўлашдан сўнг сайтда саёҳат тафсилотлари ва электрон чиптангиз рақами (14 рақам) бўлган электрон саёҳат ҳужжати тузилади. Шахсий ҳисобингизда сиз электрон чиптани чоп этишингиз, поезд учун электрон рўйхатдан ўтишни бекор қилишингиз ёки тиклашингиз, буюртмани бекор қилишингиз ва электрон чиптани қайтаришингиз мумкин.



Ички рейслар учун электрон чиптани чоп этиш шарт эмас. Агар сиз давлатларaro рейс учун электрон чиптани расмийлаштирган бўлсангиз, унда давлатларaro келишувларга мувофиқ, сиз темир йўл станциясининг кассасида чиптани олишингиз керак – белгиланган тартибда уни бошқа давлатлар инспекторларининг талабига биноан тақдим этиш керак, шунингдек, саёҳат тўғрисида ҳам. Борди-ю, қандайдир сабаб билан сафарингизни бекор қилмоқчи бўлсангиз электрон чиптангизни қайтаришингиз ҳам мумкин.



1) Чиптани шахсий кабинетингиз орқали онлайн тарзда қайтаришингиз ва “менинг янги буюртмаларим”га ўтишингиз мумкин. Бунинг учун хизмат остидаги “қайтаринг” тугмасини босинг.



2) Темир йўл станциясининг чипта кассасида қайтаришингиз мумкин

Сотиб олинган электрон йўл ҳужжатини қайтарилганда қандай жарималар қўлланилади?

Электрон йўл ҳужжати топширилганда йўловчидан Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк ташиш қоидаларига мувофиқ 2019 йил 15 ноябрдан 5 000 сўм (ҳар бир ўрин учун) қайтарилганлиги учун жарима ундирилади:

- фойдаланилмаган электрон йўл ҳужжатларини темир йўл кассасига йўловчи поезди жўнашидан камида 24 соат олдин қайтаришда йўловчидан 5000 сўм миқдорида жарима ундирилади;
 - фойдаланилмаган электрон саёҳат ҳужжатларини 24 соатдан кам вақт ичида қайтаришда, лекин поезд жўнашидан 6 соат олдин 5000 сўм миқдорида жарима ундирилади, плацкарта қийматининг 50% миқдорида;
 - фойдаланилмаган электрон йўл ҳужжатини поезд жўнашидан 6 соатдан кам, аммо 1 соатдан кечиктирилиб темир йўл кассасига топширилса, йўловчидан қайтариш жараёни учун 5000 сўм + комиссия йиғими ставкаси + плацкарта қийматининг 100% миқдорида жарима ундирилади;
 - фойдаланилмаган электрон йўл ҳужжатини поезд жўнаб кетгандан сўнг 1 соатдан кейин темир йўл кассасига топширилса, йўл ҳужжатининг нархи (унинг тўлиқ қиймати) қайтарилмайди;
 - фойдаланилмаган жамоавий йўл ҳужжатларини қайтариш жараёнида жарима ундириш бошқа тизим асосида ундирилади (Ўзбекистон Республикаси йўловчиларни, қўл юки ва багаж юкларни темир йўл транспорти орқали ташиш Қоидасининг XI боб, 213, 220-бандлари билан танишингиз).
- Ўзбекистон Республикаси йўловчиларни, қўл юки ва багаж юкларни темир йўл транспорти орқали ташиш қоидасининг электрон кўринишини интернетдаги <http://lex.uz/> веб-саҳифасида ҳам танишингиз мумкин.

